
СОҶА ВАКИЛЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Юртимизда ислохотларни, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, аҳолининг бахтли ва фаровон келажакка бўлган ишончини янада юксалтириш каби олийжаноб мақсадларни амалга оширишда ўз сўзи, қалами, журналистик материаллари билан азиз журналистларимизнинг, матбуот ходимлари, қалам аҳли, фаол блогерларнинг хизматлари беқиёсдир.

Сана муносабати билан Тошлоқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда матбуот соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, “Тошлоқ тонги” газетаси ходимлари, ОАВ вакиллари ва фаол блогерлар таклиф қилинди.

"Sayyoh hotel" мажмуасида ташкилланган тадбирда туман матбуоти тарихи, бугуни ва ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳақида сўз борди. Ижодкорлар, журналист ва блогерлар юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш тобора мустаҳкамланиб бораётгани хусусида фикр билдиришди.

Тантанали тадбирда иштирок этган туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ва туман прокурори Аҳрорбек Худойбергандовлар йиғилганларни байрам билан қутлашиб самимий табрикларини йўлладилар.

Мамлакатимиз, вилоят ва туманимизда рўй бераётган воқеликларни ўқувчиларга тезкор ва аниқ етказишда, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотларни кенг ёритиб боришда ОАВ ходимларининг фаоллиги ҳамда шарафли меҳнатлари эътироф этилиб, туман ҳокимининг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

2021-06-28 19:18:30